

---

Бугун шаҳримиздаги "Ипакчи" ҳамда «Ёвқочар» маҳаллаларида жойлашган ётоқхоналарда 100 килограмдан ортиқ ош дамланиб тарқатилди.

Мамлакатимизда кечаётган аномал совуқ об-ҳаво шароитида халқнинг кайфиятини кўтариш мақсадида шаҳримизда хайрли ишлар давом этмоқда.

Жумладан бугун шаҳар ҳокимлиги ҳамда саховатпеша тadbиркорлар томонидан шаҳримиздаги "Ёвқочар" МФЙ, «Туркистон» кўчаси 211-уй ҳамда "Ипакчи" МФЙ ҳудудидаги «Боғчасарой» кўчасида жойлашган 12- ва 14-сонли уйда истиқомат қилиб келаётган кам таъминланган, эҳтиёжманд хонадонлар, ногиронлиги бўлган, ўзгалар ёрдамига муҳтож фуқаролар, яқка-ёлғизлар учун катта дошқозонларда 100 килограм ош дамланиб тарқатилди.

Шунингдек, шаҳар ҳокими томонидан фуқароларга ҳозирги аномал совуқ об-ҳаво шароитида қулайлик яратиш мақсадида иссиқ кийим бошлар ҳам тухфа этилди.

Бундай хайрли тadbирлар Марғилон шаҳридаги маҳаллаларда яна давом этиши режалаштирилган.

2023-01-18 17:33:05